




# ТОШКЕНТ ОҚҚОШЛАРИ



ДАВР САДОСИ  
Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ


Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 71 (9.263) 1999 йил 21 июнь, душанба Сотувда эркин нархда

## МУСТАҚИЛАЛИК

# 8

## ЙИЛАЛАРИ

ЮКСАМИШ



Рустам Шарипов олган суратлар.



## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК НЕЪМАТ



### Хусусийлаштириш

Гарчи шундай экан, бизлар ҳам ҳар бир дақиқани долзарб эканлигини юракдан ҳис этган ҳолда иш тутмоғимиз керак. Бундай дурадгорлик маҳсулотларининг тарихдорлигини таъминлашда ўта муҳимроқ талаб этилади, — дейди жамият раҳбари Зиёдилла Исмоилов. — Корхонамизда қўли гул усталар қўллаб топилди. Айниқса, Комил Нурмухамедов, Зиёд Нуриддинов, Ҳабибулла Абдурахмоновларнинг куч-ғайратлари билан янги-янги рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқармоқдамиз.

### Саноат

## БЕЖИРИМ ВА ЧИРОЙЛИ

Пойтахтимизда бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этаётган айни кунларда бундай ишлар учун асқотадиган қуриш материаллари жуда зарур. Ана шунинг эътиборига оған «Зиё-замин» масъулияти чекланган жамиятининг ишбилармон жамоаси сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Корхонада 24 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар турар жой бинолари учун зарур бўлган ашиқ, ром ҳамда бошқа дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқарадилар.

Дилноза ГИЁСОВА

### Қурилиш

## ЯНА ИККИТА ҲА

Пойтахтимизнинг Қунаев кўчасида бунёд этилаётган турар жой бинолари ҳамнаҳарларимизни мамнун этмоқда. Яқинда ана шундай уйлари 2 таси — 26-ва 33-уйлар фойдаланишга топширилган эди.

Бугун эса ана шу кўркам уйлар қаторида яна иккита турар жой биноси қад ростламоқда. 9 қаватдан иборат 34-ҳамада 35-уйларни «Ўзбекқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 1-уй-жой кўриш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Абдулла Абдуқодиров хусусийлаштириш ва унинг бориши тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди. Акциядорлик жамиятларининг қимматли қўғозлари ҳақида батафсил маълумот берди. Қимматли қўғозлар бозори хусусида, хусусийлаштириш, ҳоржий сармояларни юртимизга жалб этиш борасида, умуман, иқтисодий мавзуда қалам тобатётган журналистларга нисбатан ўзининг тақлиф ва мулоҳазаларини баён этди.

Гули АБДУЛЛАЕВА, Дилфуза ҒОҒУРОВА

Мамлакатимиз металлургия саноатининг йирик корхонаси — Олмалик тоғ-металлургия комбинати ташкил топганига 50 йил тўлганлиги ҳақида хабар берган эдик. Шу муносабат билан у ерда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ў. Султонов мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг «Олмалик тоғ-металлургия комбинати жамоасига» табригини ўқиб эшиттирди. Юртбошимизнинг «Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг алоҳида ўрнатилган ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ қорхонанинг бир гуруҳ ишчи-хизматчиларига Ватанинг юксак муқофотлари — орден ва медалларини, шунингдек, Фахрий унвон ва Фахрий ёрликларини топширди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуа қотибати Президент таъминоти қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Пойтахтимиз шифокорлари тиббиёт ходимлари кўни кўтаринкилик билан кўтиб олдилар.

Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасида хайрли тадбир бўлди. Тантанали қўмитанинг фундаментал тадқиқотлар жамағатисига эълон қилган энг истиқболли лойиҳа муаллифларидан 34 кишининг номини эълон қилиниб, уларга лауреатлик дипломлари топширилди.

Андижон туманидаги «Истиклол» агрофирмаси галларкорлари вилоятда биринчи бўлиб шартнома режасини бажардилар.

Ўзбекистон Киночилар уйида илмий-оммабош ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан суратга олинган «Инсон ёниб яшай керак» ҳужжатли фильмнинг премьerasи бўлиб ўтди. Фильмда халқимизнинг истиқлол йилларида жўш урган бунёдкорлик, ишчанлик, фидокорлик ва ватанпарварлик фазилатлари Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев ҳаёти мисолида акс эттирилди.

Андижонда эркаклар ўртасида ҳоккей бўйича Ўзбекистон биринчилигининг иккинчи тур уйинлари ниҳоясига етди.

## ЖАҲОНДА

Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекда Марказий Осиё Иқтисодий ҳамжамияти давлатлари бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кенгашда ягона иқтисодий макон доирасида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Халқаро Олимпия қўмитасининг коррупцияда айбланган аъзоларидан бирини ўз таркибидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши кутилмоқда. Австралиялик Фил Коулс Американинг Солт-Лейк Сити шаҳридаги талабгорларга 2002 йилда бўлиб ўтадиган қишки олимпиада уйинларини ўтказиш тўғрисидаги махфий маълумотни берганликда айбланаётди.

Чехия Косово ўлкасига киритилаётган халқаро тинчлик кучлари таркибидagi мамлакат ҳарбийлари сонини 150 дан 800 гача кўпайтириш мақсадида. Мамлакат парламентининг қуйи палатаси бу ҳақдаги қарорни тасдиқлади.

Жанубий Африка Республикасининг янги парламенти депутатлари умумий сайловларда мамлакатнинг асосий сиёсий партияси ҳисобланган Африка миллий конгресси етакчиси, 57 ёшли Табо Мбекени Жанубий Африка Республикаси Президенти этиб сайлашди.

Покистон парламенти аъзолари бир овоздан Кашмир муаммоси тўғрисида Ҳиндистон билан юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш борасидаги музокараларни давом эттиришга хайрихоҳлик билдирди.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Босния ва Герцеговинада маҳаллий ҳокимият органларига сайлов ўтказиш режалаштирилган эди. Бироқ Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг доимий кенгаши тадбирини келаси йилга қолдиришни таклиф этди.

Халқаро меҳнат ташкилоти болалар меҳнатининг энг аянчли турларини тақиқловчи конвенцияни бир овоздан қабул қилди.

## Футбол

### БИРИНЧИ ДАВРА ЯҚУНЛАНДИ

«Навбахор» ўз майдонида «Трактор»ни 3:1 ҳисобида енгди. «Темурйўли» — «Самарқанд» учрашуви эса 0:0 ҳисобида туғди.

Биринчи давра яқунлари-га қўра рақибларини анча ортда қолдирган «Дўстлик» ва «Самарқанд» жамоалари турнир жадалларида қаровонбошлик қилишмоқда.

Дилмурод ИСМАТОВ

## ИҚТИСОДИЙ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Мулки давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни миллий моделнинг бошқича-бошқича тамойилига асосланган. Агар ислохотларнинг дастлабки бошқичида асосан уй-жой, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари хусусийлаштирилган бўлса, кейинчалик йирик корхоналарни очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш, уларнинг акцияларини муомалага чиқариш ҳамда кенг кўламли кўчмас мулк ва қимматли қўғозлар бозорини шакллантиришга эътибор берилмаётган.

Аммо ҳали хануз хусусийлаштиришнинг асл моҳиятини тушуниб етмаётган. Ҳойларда мана шу масалада муаммолар вуқудга келмоқда. Мана шундай ҳолатларни фукорларга тўғри тушуниришда, албатта, матбуот, радио ва телевидение ходимларининг алоҳида ўрни бор. Шу боис Ўзбекистон Миллий Матбуот маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти давоний масъул ходимлари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, республика Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Макрокотисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда «Иқтисодий исло-

хотларда хусусийлаштиришнинг ўрни» мавзусида иқтисодий мавзуда ижод қилувчи журналистлар билан очик мулоқот ўтказди.

— Инсон ислохот учун эмас, ислохот инсон учун хизмат кўрсатиши керак, — дея ўз сўзида таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази бош консультанти Шухрат Жабборов. — Зеро, матбуотнинг, радио ва телевидениенинг омма ўртасидаги роли ва аҳамияти ўзгача. Шундай экан, журналистлар хусусийлаштириш, мулкдорлик, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, қимматли қўғозлар, ҳоржий инвестиция ҳақида ёзишга ҳозирланишдан олдин ўз билимларини мукамаллаштириб олсаларгина ёзиладиган мақола, олинадиган репортажнинг савияси ҳам юксак даражада бўлади.

## Огоҳликка даъват

# ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Эр киши ҳамеша мусибатларга, машаққатларга бардоши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам эркак одамнинг йиғлаганини қамдан кам кўрамай. Хатто жондан азиз кишиларини, фарзанд-дилбандларини ерга берганда ҳам уларнинг қадди букилиб, қайғу енгилшига ҳужум қилганда ҳам эркаклар қўзғарида чексиз мунг ва нам билан «Аллоҳнинг иродаси» деб, тақдирга тан бериб турганларини кўп кўрганимиз.

Аммо республика ойнаи жаҳонда кейинги пайтларда оппоқ соқолли кексаларни ҳам, ҳали бутун вужудидан куч-қувват ёғилиб турган оила бошлиқларини ҳам анчик ўкинч билан йиғлаб гапириб турганларини неча бор кўриб, тинглашимизга тўғри келди. Ўзи нима гап? Эркакларимиз шунчалик иродасиз бўлиб қолишадими? Улар ҳам кўнгли бўлиб аёлларимиздай, «айтиб-айтиб» йиғлаб, қайғуларини тарқатадиган бўлиб қолишганими?

Йўқ, асло! Ундай эмас. Эркакларимиз ҳали ҳам ҳамма фазилатларини сақлаб келишяпти. Боз устига, Истиклол бахш этган неъматлар уларни янада ўқтам, баҳодир ва олижаноброқ қилиб қўйганки, бунинг бозор кўнгли ҳаётимизда ҳар лаҳза кўриб, сезиб турибмиз. У ҳолда ўзи нима гап? Гап шундаки, телевидениеда ва кези келганда кўни-қўшини, маҳалла-кўй олдига аламли ёшларини тўкаётганлар шу йил 16 февраль воқеаларида айбдор бўлганлар ёки унга алоқадор бўлганлар ёхуд турли сабаблар билан тўғри йўлдан адашиб, диний-экстремистик оқимларга қўшилиб қолганларнинг оталари. Уларнинг қалбларини ларзага кел-

тириб, ҳар қандай ҳижолат, уятни йиғиштириб қўйиб, ошқора ўкинч билан кўз ёшларини тўкишга нима мажбур қилияпти?

Агар чўқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, бунинг илдизига етиш қийин эмаслигини кўрамай. Ҳа, ҳар қандай мусибат, азоб-уқубат, машаққатга бардош бера оладиган эр йилгит юраги маҳалла-кўй, эл-юрт олдидagi, Ватан, халқ олдидagi шарманда-шармисорликка тоб бера олмаганидан тўқилган бу кўз ёшлари!

Ахир ўз халқига, асрлар бўйи орзу қилиб эришилган Истиклолимизга, шу юрт, шу халқни келажакки буюк ёрғу йўлдан бошлаб бораётган юртбошимизга хиёнат, суиқасд қилганларнинг отаси бўлиш ҳар қандай мусибатдан оғир экан-да! Муқаддас динимизни никоҳ қилиб олиб, халқимизнинг тинчлигини-ю осоийшталлигини ўғирламоқчи бўлганларнинг, бунёдкорлик йўлида қилаётган мислсиз саъй-ҳаракатларимиз самарасини йўққа чиқаришга интилаётган, ўзларидан бошқаларнинг мусулмонлигини тан олмайдиган, «Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда» дея, шунга қатъий амал қилиб келаётган, Президентимиз жонига суиқасд қилган, машаққатлар билан пойдевори қўйилган инсонларвар, ҳуқуқий демократик дунёвий тўзумимизни зуравонлик билан ағдариб ташламоқчи бўлган риёкор, сотқин ва калтабин хиёнаткорларнинг дунёга келишларига сабабчи бўлиш қулфати эрлик гурури-ю сабр-матонатини ҳам чил-парчин қилиб юборса не ажаб?

Ҳа, дарҳақиқат шундай! Ваҳобийлар, «хизбут-тахрир»чилар ва бошқа диний-экстремистик оқимлар,

Президентимиз кўп мартаба такрорлаганларидек, жамиятимизга, давлатимизга, демократик-фукорлик дунёвий жамият куриш йўлидаги интилишларимизга ҳеч мулоҳазасиз жиддий ҳавф тўғрисидаги мумкин ва шу йилги 16 февраль воқеалари бунинг яққол исботлари. Улар оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас — мавжуд тўзумимизни куч билан ағдариб ташлашга қасд қилишган. Шу йўлда улар ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, турли сафсаталар, ёлгон ваъдалар билан, пул билан, кўрқитиш йўли билан ўз тўзюкларига илтириб, «қасамед» қилдириб, ҳар қандай буйруқларини сўзсиз бажарувчи манкуртларга айлантиришга интилоқдалар.

Натижа эса — маълум: қўриб турганимиздек, ватандошларимиздан 16 киши бегуноҳдан-бегуноҳ ҳаётдан бевақт кўз юмдилар, анчагина одам жароҳатланди, катта моддий зарар қўрилди. Жиноятчиларни адолатли жазосини олади. Лекин уларнинг ортида турган кучлар бу билан тинчишмайди. Улар ҳали ҳам мўлжални ҳаёт таҳрибасига эга бўлмаган гўр ёшларга олишади. Шунинг учун ҳам хануз адашиб-улоқиб юрганлар йўқ эмас. Қандайдир варақаларни хонадонларнинг почта қўтисига ташлаб кетиш, идораларга жўнатиш ҳоллари шундан далолат бериб турибди.

Гап келса — отангини ҳам аяма, деганларидек, шу ерда бир гапни ўртага ташлашга мажбуримиз: тинчлик, осоийшталлигимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ва халқимизни чинакам фаровонлик, ёрғу ҳаёт йўлига олиб чиқадиган чўқур ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ислохотларимизга таҳ-

## СУД МАСЛАҲАТ УЙИГА КИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль кўни Тошкентда давлатимиз раҳбарига, Конституциявий тўзумга таъвоқу йил-таъвоқу ҳақида кўпсурачлик, котиллик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликлари учун судланган 22 нафар кишига нисбатан очик суд жараёни 18 июнь кўни давом эттирилди.

Маҳкамда жаҳрланувчилар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, мамлакатимизнинг ҳоржий элчиликларининг ходимлари иштирок этмоқда.

Тарафларнинг музокара сўзлари тамомланди. Суд судланувчиларга охири сўзини берди.

Судланувчилар ўзларининг охири сўзлариди яна бир бор гуноҳкор эканлиklarини тан олиш, мамлакатимиз Президенти, халқи ва суд ҳаётининг энгиллик бериши сўрадилар.

Суд судланувчиларнинг охири сўзларини тинглаб бўлгач, раислик қилувчи суд ҳўми қиқариш учун маслаҳатнома киришилгини билдирди ва 1999 йилнинг 28 июнига қадар таъафус эълон қилди.

Саид ВАЛИЙ, журналист, меҳнат фаҳрийси.

## СУД МАСЛАҲАТ УЙИГА КИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль кўни Тошкентда давлатимиз раҳбарига, Конституциявий тўзумга таъвоқу йил-таъвоқу ҳақида кўпсурачлик, котиллик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликлари учун судланган 22 нафар кишига нисбатан очик суд жараёни 18 июнь кўни давом эттирилди.

Маҳкамда жаҳрланувчилар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, мамлакатимизнинг ҳоржий элчиликларининг ходимлари иштирок этмоқда.

Тарафларнинг музокара сўзлари тамомланди. Суд судланувчиларга охири сўзини берди.

Суд судланувчиларнинг охири сўзларини тинглаб бўлгач, раислик қилувчи суд ҳўми қиқариш учун маслаҳатнома киришилгини билдирди ва 1999 йилнинг 28 июнига қадар таъафус эълон қилди.

Саид ВАЛИЙ, журналист, меҳнат фаҳрийси.





Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

Қарор ва ижро

СПАРТАКИАДА БАҲСЛАРИ ҚИЗГИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда чиққан «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарориди жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида қилиниши лозим тадбирлар белгилаб берилган. Мамадан қарорнинг бандларидан бирида, аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбияга соғломлаштириш ва оммавий-спорт ишларига кенг жалб этишга йўналтирилган мунтазам оммавий-спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.



Ҳуқуқатимиз, шахсан Президентимиз томонидан ёшларимизнинг ўқишлари, соғлом ўсишлари учун катта эътибор берилмоқда. Юқориди қайд этилган қарор эса ана шу ғамхўрликнинг бир намунасидир. Чунки келажакда буюқ Ўзбекистонимизни соғлом ёш авлодига муҳофаза этиши ва унинг равнақи учун тинмай меҳнат қилиши лозим бўлади. Қарор эълон қилингандан сўнг шахримиздаги Ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармасида ҳам унинг ижросини амалга ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Авваломбор, бошқарма қошида 1-шаҳар спартакиадасини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати тузилди. Ўтказиладиган спорт тадбирлари турларини аниқлаш ва тартибини белгилаш учун дастур ишлаб чиқилди ва у жисмоний тарбия ўқитувчилари билан ўтказилган семинар-кенгашда муҳоаза қилинди.

Важобат, Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хўнар таълими тизимиди ўқув муассасалари ўқувчи ёшларининг 1999 йилги 1-спартакиадаси Шайхонтоқур туманида жойлашган 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносида шахмат мусобақаси билан бошланди. Уч кун давомиди бўлиб ўтган мусобақаларда ўғил болалар ўртасида биринчи ўринни 2-бизнес мактаб жамоаси, иккинчи ўринни Тошкент банк коллежи жамоаси эгаллади. Қизлар ўртасида ҳам 2-бизнес мактаби голиб чиқди. Тижорат техникуми жамоаси иккинчи, 21-касб-хўнар мактаби

Кейинги мусобақалар — волейбол бўйича Чилонзор туманида жойлашган 1-Бизнес мактаб биносида, шашка бўйича Шайхонтоқур туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, футбол бўйича МХСК спорт клуби майдонида ўтказилиши белгиланди.

Жамбул МУРОТОВ, Дилшод ИСМОИЛ.

Икки шеър

РЎЗВОН ОПА ПАТУРИ

Эси Жува бозори, Бор эрур патирзори, Бунда патир растаси Ноиларнинг гулдасиси: Каттор-каттор патирлар Мисли шеърини сатрлар. Патирлар бир қараида Ушайди ойбарқасида. Патир ози нақшинок, Уққаларга маъно бор. Уни олсанг қўлингга Хузур тўлар қўлингга. Иси гўё аптирди, Патирмисан патирди. Гўлдай кулар ўзинга, Суртсинг келар қўзинга. Бу патирлар ичиди Шохонаси бор чинди. Рўзвон опа патирини — Патирлар бол патирини. Ишлов берилган пухта, Кўчқор ёғи омухта. Чакчаклари муҳриди, Қорилган бил меҳриди. Ёндай ўтар бўзгинди, Таъми кетмас оғзинди. Мўжизаси борми ё? Кўй жазисаи борми ё? Оширай иштаҳани, Шунингдек завоқ-таханни. Яшанг патир ёлпанлар, Патирдан бахт топсанлар. Учасини тандирингиз, Патир бахт-тақдирингиз. Рўзвон опа патирини — Патирлар бол патирини.

ОЛДИНДА ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР

Гарчи Ўзбекистон иссиқ иқлимли мамлакатлар қаторига кирса-да республикамиз раҳбариятининг ҳам ёғи, ҳам қишки спортни ривожлантириш борасидаги савий-ҳаракатлари тўғрисида фўрталар, тоғ-чанги спорт, муза устида фигурали учуш каби қишки спорт турлари ҳам кейинги пайтларда жадал ривожланиб, спортчиларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда салмоқли муваффақиятларга эришмоқдалар. Хусусан, 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон терма жамоаси қишки Олимпия ўйинлари, қишки Осиё ўйинлари, жаҳон талабалар ўйинлари, ёшлар ва катталар ўртасида жаҳон чемпионатлари, Осиё Кубоқлари, Гран-При мусобақаларимиз 1991 йилги Жаҳон чемпиони В. Семечук ва 1994 йилги Олимпиада голиби Л. Черязовлар ҳақи равишда юртимиз фахрига айланди.

Олимпиада шон-шўхрати музейида олимпиа ўйинлари қишки мавсумини яқинларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Тулаганов, МОҚ вице-президенти И. Баранб, республика қишки спорт турлари мактабининг директори Г. Жоржолдзелар барча йиғил-

ганларни эришилаётган катта ғалабалар билан табриклаб Т. Малинина, Р. Скоряк, Н. Пономарева, К. Уринбоев, И. Уринбоев, А. Ткаченко, А. Ениев, Д. Григорьев, Е. Александров, Д. Ковалев каби спортчиларга давлат спорт қўмитасининг фахрий ёрликлари ва кимматбаҳо совғаларини топширишди. Сўнг фигурали учуш усталари ва чангичиларимиз нуфузли мусобақалардаги беллашувлари, ўз муваффақиятлари ва муаммолари тўғрисида тўхталиб, уларнинг мусобақаларда қатнашлари ва хорижда машғулотлари ўтатишларида қўмақлашган хамийларга миннатдорчилик билдирдилар.

Олдинда эса янги ғалабалар, муваффақиятлар бизни кўтмоқда. Фигурали учуш усталаримиз эса хориж мамлакатларида янги мавсумга тайёргарлики бошлаб юбордилар.

Дилшод ИСМОИЛОВ, СУРАТЛАРДА: голибларни тақдирлаш маросиминида лавҳалар. Рустам Шарипов олган суратлар.



ҚАЗИДА ОТ КУЧИ БЎЛАЙ

Қассобларнинг ичиди Қўли гули кўп жуда. Бордир таниш-миқозим, Боодоб — сермуқозим. Сўхбати ҳам ёқимтой, Бу наслидан ёқим-нахой. Қаранг, исми жисмидек, Аташайлар Мардонбек. Қазиларнинг хунари — Уз касби-бахт унари. Ишида зуқко — қассоб, От боқиди қазилар. Қазиларнинг деб майин, Терав чандир, шаҳайин. Гапнинг тўғри-сўраси — Моромида зираси. Оғзинида қолар таъми Лиқ тўла витамини. Қазилар бебаҳодир, Асли маҳкам — даводир. Мардонбек қилсан қазилар Бир япроғи — бир жазилар — Кун бўйи тўқ тутандир, Қаддини гўз тутандир. Унинг ҳар бир шодаси — Қазиларнинг «додоси». Талай эрур мижози Еваилар бари рози. Мардонбек қилсан қазилар Бордир унинг тамғаси — Гоҳ элтислар хоржжа: Макка, Лондон, Поржжа... Емаганлар ормонда, Еваилар-чи дармонда. Берсанмисиз эштибор: Қазилар от кучи бор, Шу боисдан қазилар Есмоқ жомиз қазилар.

Пўлат МҮМИН.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси куйида келтирилган, давлат негизиди янги ташкил топган акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиш учун биржа савдоларига чиқармоқда.

Table with 6 columns: №, Акциядорлик жамияти номи, Тармоғи, Низом жамғармаси (минг сўм), Номинал қиймати (сўм), Савдога қўйилдиган акциялар миқдори (%). Rows include TEMIRYOLTAMIN OAJK, Xasanboy-ota-nop OAJK, IPAK-YOLU AVTOTRANS OAJK, Kimiyonomadani geologiya servis OAJK, Toshtemiryoiloyiha OAJK, Yulit-sut-savdo OAJK, PAKTASANOATILIM IYCH OAJK.

ЭЪТИБОРИНГИЗНИ ЧЕТДА ҚОЛДИРМАНГ!

Тошкент шаҳар бошқармаси Тошкент шаҳрида жойлашган куйида келтирилган, давлат негизиди ташкил топган акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиш учун биржа савдоларига қўйилганлиги тўғрисида маълум қилади.

Table with 6 columns: №, Акциядорлик жамияти номи, Тармоғи, Низом жамғармаси (минг сўм), Номинал қиймати (сўм), Савдога қўйилдиган акциялар миқдори (%). Rows include Мебельтранс, OZmaxusavtomatika, ТЕТ, УМИАТ, 8-сонли Автосарой, Xalqaro Pochtamt, Козогистон кинотеатри, Тошқурилишматериаллари ЛИТИ, OZrangmetalloyina, КОНИ-ИЛМ, Сифат, Гўл-сўт солаш, ЕККИ ва ТК, Агрочетқурилиш, ВИНЧИ АВТОКОРХОНА, Махаллийсанаят, Алик, Ирик панелли уй қурилиш, 12-AVTOBUS SAROYI, Подъёмник, Трансавторизм, Санаятсупармалаш, ТашДСК-2, 3-Автобус саройи, Сирғали ТБК, ИТЦ, OZSUVMETALL, Агротаминот-БС, OZSILHOLQYUHA, QADOLQVCHS, CSCMCK, Тошкент таъмирлаш-қурилиш, Ташкентини поддипиниковый завод, 1-сон ТЭМЗ, СУЛНР, Таъминоти-хизматчи, ALOQAKO MIA, 7-AVTOKORXONA, Энергетика вазирлиги, АС «Безбуртотанка», Говалототранссервис, Маданият вазирлиги, РТР-ТЮРАТ, Осыз, 2-AVTOBUS SAROYI, Махсус таъриба автокорхона, МБ «Механизатор», Зангори экран, Пойафзали, КТБ «Автосозлаш», ТЕМЕРЮЛЧИ, Ақборот хабарлаш маркази, ГААП-3, Темпичи, ELEKTROSHLOOQURILISH.

Бизнинг манзилгоҳ: 700128, Тошкент шаҳри, А. Кодирий кўчаси, 13-уй. Мурожаат учун телефонлар: 144-61-57, 144-62-57, 144-53-59

Мулкчилигининг шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар, шунингдек, йўловчиларни ташиш бўйича хизмат кўрсатувчи жисмоний шахслар диққатига:

- 1. Тошкент шаҳридаги йўналишларда йўловчиларни ташишни ташкил этиш бўйича комиссия 1999 йилнинг 22 июлида йўловчи транспортида хизматлар кўрсатиш учун шартнома имзолаш бўйича очик тендер ўтказди.
2. Очик тендерда мулкчилигининг шаклидан қатъи назар Тошкент шаҳри ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, йўналишининг турига қараб шаҳар ичиди ёки шаҳардан ташқарида йўловчиларни ташиш ҳуқуқини берувчи рухсатномага эга бўлган ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар қатнашишлари мумкин.
3. Очик тендерга маршрутли таксилар ва йўналишларда қатнайдиган автобусларнинг куйидаги йўналишлари қўйилди:
- 55-Йўналиш — Достгон кўчаси — Қўйлик маркази.
- 21-й — Юнусобод даҳаси, 10-мавзе — метронинг Мустақиллик майдони станцияси.
- 11-й — Қўйлик 4 даҳаси — А. Темури хиббони.
- 60-й — Қўйлик маркази — метронинг Чорсу станцияси.
- 2-й — Аэропорт — Қадиев бозори.
- 23-й — А. Темури хиббони — Қўйлик маркази.
- 3-й — Тошкент вокзали — Қўйлик маркази.
- 47-й — Ғалабанин 40 йиллиги даҳаси, 3-мавзе — Қўйлик маркази.
- 5-й — Ал-Хоразмий даҳаси — метронинг Чилонзор станцияси.
- 34-й — Чилонзор даҳаси, 30-мавзе — метронинг Чилонзор станцияси.
- 8-й — Юнусобод даҳаси, 15-мавзе — метронинг Мустақиллик майдони станцияси.
- 38-й — Ибн Сино даҳаси — метронинг Беруний станцияси.
- 32-й — 2-Тошкент тиббиёт институти — Саодат савдо маркази.
- И-8 — Отчоплар бозори — Қўйлик маркази.
- И-9 — Отчоплар бозори — Тошкент вокзали.
- 54-й — метронинг Чорсу станцияси — Фарход бозори.
4. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар тендер ҳужжатларининг пакетини олиш учун 1999 йилнинг 30 июнидан кечикмаган ҳолда куйидаги манзилда жойлашган комиссияга талабно-маларни топширишлари керак: А. Темури 1-тор кўчаси, 6-уй, 413-хона. Талабномада шаҳар ичиди ёки шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш ҳуқуқини берувчи рухсатноманин мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш жоиздир.
5. Ҳужжатларнинг битта пакети фақат битта йўналиш учун берилди.
6. Тендер таклифларини топшириш мuddати 1999 йилнинг 1 июлидан қадар давом этади. Тендер таклифларини топширган сўнг катнашчилар уларга ҳеч қандай тузатишларини киритиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.
7. Йўналишларда йўловчи транспорти орқали хизматларини кўрсатиш учун шартнома тендер голиби билан камида олти ой мuddатда тузилади. Ташувчи томонидан шартнома бўйича ишининг барча шартларига риоя этилган ҳолда шартноманин амал қилиш мuddати узайтирилиши мумкин.
8. Тендерни ўтказиш бўйича қўшимча маълумот ва маслаҳатларни олиш ниятида бўлганлар учун шунинг билдирамизки, 1999 йил 22 июнь кунини соат 15.00 да куйидаги манзил: А. Темури 1-тор кўчаси, 6-уйдаги Мажлислар залида семинар-кенгаш ўтказилади.
Маълумотлар учун куйидаги телефонга мурожаат қилинг: 13-767-13.
Тендерларни ташкил қилиш бўйича шаҳар комиссияси.

Хуқик ўқилди «ҚОРА КУРСИ»ДА — ТАЛОНЧИЛАР

Инсоният ер юзиди яралибдики, ҳар доим азгуликка, хурриятга ва ҳалол яшашга интилиб келади. Давлатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб сивсат, иқтисод ва маънавий борасида ўзига хос тўғри йўналишдан бориқда. Меҳнатсевар, элларвар халқимиз ҳам ҳар жаҳада давлатимизнинг тараққиётига ўз хиссаларини баҳоли-қудрат қўшиб келмоқда. Бирок, гуруҳ кўрмақсиз бўлмайди, деганларидек, алимиз орасида айрим кўрмақсиз қабил кимсалар ҳам учраб турибди. Яқинда Миробод туман судида одил суд яна бир уюшган жиноий гуруҳ кирдикорларини очиб ташлади.

Навоий вилояти, Учқудук шаҳрида 1977 йилда туғилган ва кейинги пайтда Наманган шаҳрида яшаб келган Т. Бергман «Кўр-кўрни қоронгида топади», деганларидек, ҳеч қаерда ишламайди-диган кимса Е. Козлов билан жиноий тил бириктириб уюшган жиноий гуруҳ бўлган ҳолда 1997 йил 10 декабрда Наманган шаҳри, Дўстлик кўчаси, 21-уй, 14-хонадонда яшовчи Ю. Теннинг уйда ҳеч қим ашамаетганлигини хабар топиб, хонадонга қалит таллаш йўли билан кириб қайиққоний равишда уюшган гуруҳи тегилиш бўлган жами 92400 уюшган гуруҳи билан бир қисмини Р. Ҳамдамова, бир қисмини шахси аниқланмаган шахсларга, бир қисмини эса Х. Жалолова гиванд моддаларига алмаштириб обдорганлар. Лекин жиноий

гуруҳ яна ўз қабил ишларини давом эттириш мақсидида 1997 йил 18 декабрда — 57500 сўмлик; 1997 йил 20 декабрда — 15000 сўмлик; 1997 йил 22 декабрда — 9100 сўмлик; 1997 йил 23 декабрда эса 15000 сўмлик Ю. Тенга тегишли мол-мулк ва кимматбаҳо буюмларни ўғирлаб кетган, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169 моддаси, 4 қисм «в» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганлар. О. Рўзमतов исми кимса эса Россия Федерациясининг Рязан шаҳрида рўйхатдан ўлмаган ҳолда 1995 йилдан бошлаб яшаб келган, 1997 йили декабрь ойида Москва — Тошкент йўналиши бўйлаб қатнайдиган 6-пассажири поезидида йўловчиларга босқинчилик йўли билан ҳуқум қилиб «эфир» кимёвий моддасини хидлатиб ҳушдан кетказиб уларга тегишли мол-мулк ва кимматбаҳо буюмларни ўғирлаб юрган. Бундан ташқари Рўзमतов ўз жиноий ишларини давом эттириш мақсидида Ш. Азимов, Т. Акбаров ва Т. Бергманлардан иборат жиноий гуруҳ тузади ва Москва — Тошкент йўналиши бўйлаб қатнайдиган пассажир поезидида йўловчи ва вагон кузатувчиларига пичоқ ва лезвия билан қуролланган ҳолда ҳужумлар уюштириб жабрланувчиларга тегишли мол-мулк ва кимматбаҳо буюмларни талон-тарож қилиб юрганлар. Улар томонидан бир қатор фуқароларга нисбатан қилинган жиноий харакат-

ларга мисол келтириш мумкин: яъни, жабрланувчилар — Нигматовдан 3,5 миллион Россия рубли, яъни 47740 сўм; Маткаримовдан 5 миллион Россия рубли, яъни 67300 сўм; Исаевдан — 33500 сўм; Ёқубовдан — 474 сўм; Толиповдан — 10618 сўм; Шамсихўжаевдан — 9581 сўм; Каримовдан — 28140 сўм; Асқўжаевдан — 16750 сўмлик мол-мулк ва кимматбаҳо буюмларни босқинчиларча талон-тарож қилиб кетганлар. Аммо бу жиноий гуруҳнинг кирдикорлари узоққа қўзилмади. «Кингир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқиди», деган нақл ўз аксини топди. Қонун посбонларининг маъсулиятли фаолиятлари билан бир гуруҳ қалобларнинг жиноий ишларига чек қўйилди. Шу йил 26 апрель кунин Миробод туман судида Утган суд мажлисида Тимур Бергман, Ойбек Рўзमतов ва Шўҳрат Азимовлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 164 моддаси, 4-қисми, «в» банди ва 469 моддаси, 4 қисми, «в» бандида кўрсатилган жиноятлар содир этилганлиги исботланиб қонун ўз одил ҳуқумини чиқарди. Яъни, уларнинг мол-мулки давлат хисобига мусодарга қилиниб, жабрланувчилардан босқинчилик йўли билан тортиб олинган барча буюмлар пул миқдоридида жиноятчилардан ундириб олиш ҳамда Бергман — 17 йилга, Рўзमतов — 17 йилга, Азимов — 16 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазо мuddатини қаттиқ тартибдаги колонияларда ўтатиш мақсидида ўз аксини топди. Халқимиз яна бир иллат — уюшган жиноий гуруҳ тазйикидан ҳалос бўлди.

Холида САЙДАЗОВА, Тошкент шаҳар транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси, биринчи даражали юрист.

Бощ муҳаррир: Акмал АКРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2.

Нашрни етказиб бериш масалаларини бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.